

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



ХОЛМИРЗАЕВ МУҲСИН ШАВҚИДДИН ЎҒЛИ

“Жиноятчиликни криминологик прогнозлаш:

муаммо ва ечимлар” мавзусида

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: Ф.Мирзаев

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....2-11

**I БОБ. ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ПРОГНОЗЛАШ
ТУШУНЧАСИ, РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ, АҲАМИЯТИ ВА
ЗАРУРАТИ.....11-44**

1.1. Криминалогик прогнозлаш тушунчаси, ривожланиш тарихи ва усуллар
тизими, жиноятларнинг прогнози.....11-27

1.2. Ўзбекистон Республикасида жиноят вазиятнинг умумий тавсифи, олиб
соҳада олиб борилаётган ислохотлар.....28-44

**II БОБ КРИМИНОЛОГИК ПРОГНОЗ ҚИЛИШДА МАХСУС
ФАНЛАРНИНГ ИМКОНИАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
МАСАЛАЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ44-77**

2.1. Криминалогик прогнозлашда социологик, психологик усуллардан
фойдаланиш масалалари.....45-53

2.2. Криминалогик прогнозлашда аниқ фанларнинг ва АКТ илмий
ютуқларидан фойдаланиш масалалари54-60

2.3. Криминалогик прогнозлашда айрим хорижий давлатларининг
тажрибалари ва уни миллий тизимда фойдаланиш имкониятлари.....60-65

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....;.....65-76

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги. Мазкур тадқиқот ишининг долзарбдиги шундан иборатки, узоқ замонлардан буён бир қатор салбий омиллар давлатчилик пайдо бўлибдиги, унинг ривожланишига ва инсонларнинг фаровон, хавфсиз умргузаронлик қилишлари учун ғов бўлиб келади. Улардан бири барча давлатларда мавжуд ва улар томонидан доимий кураш олиб бориладиган жиноятчиликдир.

Шунингдек, жиноятчиликнинг ривожланиши нафақат суд-ҳуқук тизимига, балки давлатнинг иқтисодий негизига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаган.

Жиноятчилик турли даврларда турлича ижтимоий аҳамият касб этиб келган. Давлат органларининг асосий вазифаларидан бири ҳам жиноятчиликка қарши курашиш ҳисобланган. Жиноятчиликка қарши курашиш қадимги ва ўрта асрларда асосан жиноят содир этган шахсларни тутиш ва жазолаш билан чегараланиб қолган.

Эндиликда жиноятчиликни фош этиш ва тергов қилишнинг ўзигина жиноятчиликка қарши курашиш учун самара бермасдан қолди. Шу сабабли ҳам жиноятчиликни фош этиш ва тергов қилишдан ташқари жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг содир этилишига йўл қўйиб бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, жиноятчиликнинг содир этилиш хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда уларни таҳлил қилиш ва жиноятчиликни содир этилишидан олдин уни башорат қилиш механизмларини ва жиний статистик таҳлилни такомиллаштириш зарурати мавжудга кела бошлади.

XXI аср техника-технология асрида, жиноятчиликка қарши курашишда фан техника имкониятларидан кенг фойдаланиш масалалари криминалогия фанининг асосий муаммоларидани бири бўлиб келмоқда.

Криминлогия фанининг назарий асослари анчайин хорижий ва маҳаллий криминолог олимлар томонидан бойитилган бўлишига қарамадан, жиноятчиликни криминалогик прогноз қилиш соҳасида бундай хулоса бера олмаймиз. Аксарият ҳолатларда, жиноятчиликнинг динамикаси ва унинг умумий қиёфаси асосан рақамлар билан кўрсатиб берилмоқда.

Тан олиб айтиш лозимки, статистик таҳлил натижасида олинган рақамлар фақатгина жиноятчиликни тур ва туркумлар кесимида умумий миқдорини кўрсатиб бермоқда.

Шу сабабли ҳам Президентимизнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида Фармонининг 16-мақсадида ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш дозарб ва истиқболли вазифалар сифатида кўрсатилган.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг урғу бераётган масалаларидан бири ва асосийси сифатида жиноятларни барвақт олдини олиш яъни профилактика тадбирларини самарали амалга оширишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси ҳуқуқбузарликни профилактика қилиш ва жиноятларни олдини олишдан иборат.

Юқориди келтириб ўтилган, мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун, дастлаб ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг қаердан ва қандай омиллар таъсирида келиб чиққаётганлигини аниқлаш том маънода айтганда, **ташхислаш** лозимдир.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун жиноятларни криминологик прогнозлаш, илмий асосланган гипотезаларини

шакллантириш ва уларни кримзоналарга реализация қилиш орқали жиноятларнинг келиб чиқиш манбаларига, омилларга ва сабабларга нисбатан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин.

Ҳозирги кунда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси соҳаси бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган улардан асосийлар сифатида 2014 йил 14 майдаги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2833-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2018 йил 31 октябрдаги Жиноийҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-5566-сон Фармони ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар келтириб ўтишимиз мумкин.

Эъборли жиҳати шундаки, 2018 йил 31 октябрдаги ПФ-5566-сон Фармони билан Бош прокуратура Академияси тузилмасида биринчи бор Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази ташкил этилди ва мазкур марказ олдига жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шароитларини ўрганиш ҳамда диагностика қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан, алоҳида турдаги жиноятларнинг олдини олиш ҳолатини таҳлил қилиш, жиноятчилик аҳволи ўзгаришларини криминологик прогноз қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини методологик ва консултатив таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижро этилишини мониторинг қилиб бориш, жиноят турлари, жиноятчи ва

жабрланувчиларнинг шахси бўйича илмий-амалий изланишлар олиб бориш каби бир қатор долзарб вазифалар қўйилди.

Олиб борилаётган мақзур соҳадаги ислоҳотлар ва жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш марказининг ташкил этилишининг ўзи ҳам мақзур соҳага берилаётган эътибордан далолат бериб турибди.

Кўришиб турибдики, Ўзбекистонда дастлабки йилларда жиноятчилик билан курашишда уларнинг олидини олиш ва жиноятларнинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш соҳа мутасседи раҳбарларнинг индивидуал ва илмий асосланмаган қарорлари билан амалга ошириб келинган. Бироқ эндиликда жиноятларни илмий-кримингологик тадқиқ этмасдан, криминологик прогнозламасдан туриб, жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришнинг имкони йўқлигини замоннинг ўзи кўрсатмоқда. Бу эса **кримпрогнозлаш институтини назарий** асосларини мустаҳкамлаш ва соҳани такомиллаштириш талаб қилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Криминологик тадқиқот, прогнозлаш тушунчаларини ўрганиш ва унинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш, кримпрогнозлаш институтининг ривожланиш йўллари, бу йўлда ортирилган ижобий тажрибаларни ўрганиш, мақзур соҳанинг келажакдаги ривожланиши ҳамда истиқболлари хусусида халқаро ва маҳаллий ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари билан танишиш, шунингдек, кримпрогнозлашда бугунги амалиётини кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, кримпрогнозлаш институтининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасида самарадорлиги ошириш мақсадида туркум ва тур фан ютуқларидан фойдаланиш масалалари ҳақида асосланган хулосаларга келиш ва таклифлар бериш, шу йўл билан тизимдаги камчилик ва муаммоларга ечим бўлувчи муқобил таклифларни шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадларига эришишда қуйидаги вазифалар белгилаб олинади:

Жиноятчиликни криминологик прогнозлаш тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамиятини очиб бериш; криминологик прогнозлашнинг усуллари, услублари, механизмлари ҳамда унинг шаклланиш тенденциялари таҳлил қилиш; криминологик прогнозлаш фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва илмий тадқиқотларни ўрганиш ҳамда уларнинг заруратини асослаш;

криминологик прогнозлаш тарихи ва ривожланишига доир илмий ишларини кўриб чиқиш, шунингдек, МДХ ва Ғарб давлатлари тажрибалари билан танишиб чиқиш; кримпрогнозлашнинг аҳамияти, унинг натижадорлигини ишончли қафолатлаш мақсадида дунёнинг юксак даражада ривожланган ҳуқуқий демократик давлатларида кримпрогнозлаш шакллари, тузилмалар ҳақида маълумотларга эга бўлиш;

жиноятчиликка қарши курашишда кримпрогнозлаш самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш; хорижий мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг кримпрогнозлашдаги иштироки ва фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қиёсий кўриб чиқиш;

мамлакатимизда жиноятчиликни криминологик прогнозлашда менталитетимизниг ўзига хосликлари, умумий тавсифи ва хусусиятларини кўрсатиб бериш;

фуқароларнинг кримпрогнозлашда иштироки ва унинг механизмларини аниқлаш ва таҳлил қилиш иборат.

Тадқиқотнинг объектини жиноятчиликни криминологик прогнозлаш институтининг назарий-ҳуқуқий пайдо бўлиши, уларнинг дастлабки даврларда тузилмавий кўриниши, ривожланиш йўли ва ҳозирги кўриниши, унинг ўзига хослиги, соҳанинг самарали ишлашини таминловчи механизмлар,

кримпрогнозлаш натижасида олинган натижаларидан фойдаланишниг ҳуқуқий аҳамияти ва бу соҳада қонунлар билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлар тизимини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети. Жиноятчиликка қарши курашишда жиноятчиликни криминологик прогнозлаш тушунчаси, вазифалари, механизмлари ва йўналишларини белгилайдиган, шунингдек, хорижий мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда жиноятларни криминологик прогнозлаш ташкил этиш ва амалга ошириш амалиётини белгилайдиган тарихий норматив ҳужжатлар тўплами, назарий-ҳуқуқий тадқиқот ишлари ҳамда кримпрогнозлашнинг функционал фаолияти хусусиятлари қамраб олади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Криминология соҳаси 19 асрнинг 1-ярмидан бошлаб катта қизиқиш билан ўрганилган. Замонавий криминологиянинг ривожланишига жаҳон миқёсида рус криминология мактабининг ёш олимлари Г.А. Аванесов, А.И. Алексеев, Ю.М. Антонян, М.М. Бабаев, С.В. Бородин, Н.И. Ветров, Б.В. Волженкин, Я.И. Гишинский, Ю.В. Голик, Г.Н. Горшенков, А.И. Гуров, А.И. Долгова, С.М. Иншаков, П.А. Кабанов, И.И.Карпец, В.Е. Квашиш, Д.А. Корецкий, М.П. Клеименов, В.Н. Кудрявцев, Н.Ф. Кузнецова, С.И. Курганов, В.Д. Ларичев, С.Я. Лебедев, Н.А. Лопашенко, В.В. Лунеев, С.В. Максимов, И.М. Мацкевич, Б.С. Овчинский, Е.П. Побегайло, Д.В. Ривман, А.Б. Сахаров, О.В. Устинов, Д.А. Шестаков, Б.Е.Еминов каби олимлар катта ҳисса қўшдилар¹.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида прогнозлаштириш масалалари Г. А. Аванесов, А. И. Алексеев, Д. И. Аминов, Ю; М. М. Антонин, М.: М. Бабаев, Н. А. Баижанов, Т. И. Бахарева, Т. А. Боголюбова, СИ каби муаллифларнинг асарларида ўрганилган. Винокуров, А. А. Ҳерзензон, СИ. Гирко, В. И. Гладких, В. Н. Демидов, Н. И. Зҳердева, О. Е. Згадзаи, С. Я. Казанцев, Г. Ф. Коимшиди, Е. Ф. Кузминский, В. Н. Кудрявцев, Н. Ф. Кузнецова, В. В. Лунеев, Г. М.

¹ Shalagin A.E., Grebenkin M.Y. Russian Criminology: History and Modernity // Scientific Notes of the Kazan Law Institute of MIA of Russia. 2019. V.4. No 2(8). Pp. 101-108

Минковский, В. Е. Новиков, Н. Н. Сафулин, Е. К. Семенов, А. Л. Ситковский, В. Н. Тищенко ва бошқалар муаллифларнинг асарларида ўз ифодасини топган².

Шунингдек, маҳаллий ҳуқуқшунос олимлар ҳам мазкур соҳада кўплаб тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бошқа ҳуқуқий фанлар билан бир қаторда криминологиянинг ривожланиши учун кенг йул очилди. Ўзбекистонда биринчи марта Й.Каракетов ва М.Усмоналиевлар томонидан ўзбек тилида криминологиядан 13 босма табоқдан иборат “Жиноятчиликка қарши курашнинг криминологик чоралари” ўқув қўлланма нашр қилинди.

Шунингдек, олимлар З.Зарипов ва И.Исмоиловлар томонидан ўзбек тилида “Криминология” дарслиги нашр қилинди. Тошкент давлат юридик институт олимлари, Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги Академияси криминология кафедрасининг олимлари, бир қатор университетларнинг юридик факультетларида, Ўз ФАнинг Фалсафа ва ҳуқуқ, институти олимлари томонидан йирик криминологик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда, инсонпарвар ҳуқуқий давлатни қуриш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қиувчи органларнинг асосий вазифаси жиноятчиликка қарши курашиш ҳисобланади. Шу сабабли жиноятларни кримпрогнозлаш механизмларини ва тузилмавий шакллларини ислоҳ қилиш лозим.

Шу боис, мазкур магистрлик диссертациясида айнан шу муаммоларга ва уларнинг ечимларига урғу берилди. Шунингдек, жиноятларни кримпрогнозлашни амалга оширувчи ваколатли органларининг функцияларига ўхшаш вазифаларни бажарувчи бошқа давлат тузилмаларининг ташкил қилиниши ва фаолияти масаласида мамлакатимиз ва хорижда тўпланган тегишли миллий ҳуқуқий тизимлар тажрибаси ўзаро қиёсланган ҳолда ўрганиб чиқилди.

Кримпрогнозлашнинг услуб ва усуллари, методлари, бошқа туркум соҳа ютуқларидан фойдаланиш имкониятлари ва кримпрогнозлашнинг механизмларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Бунда мамлакатимиздаги ҳозирги криминоген вазиятнинг ҳажми ва салмоғини ўзида акс эттирувчи статистик маълумотлардан фойдаланилди. Магистрлик диссертациясини тайёрлашда 4 йил мобайнида университетда ва Бош прокуратура академияси магистратурасида олинган билимлар ҳамда амалиёт давомида тўплаган амалий тажрибаси ҳам ўз ифодасини топди.

Магистрлик диссертацияси натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясининг илмий аҳамияти жиноятларини тадқиқ этиш, уларни содир этилишида умумийлик ва хусусийликни ўрганишнинг аҳамияти, жиноятчиликнинг динамикаси, структураси ҳақида илмий хулосаларини шакллантиришда фанлар имкониятлари таҳлили, шу ўрни кримпрогнозлашда етук олимлар томонидан олиб борилган изланишлар ҳақида халқаро ва миллий амалиёт ҳақидаги маълумотлар, уларни такомиллаштириш таклиф ва тавсиялар фанининг ривожлантиришга муайян ҳисса қўшади.

Биринчидан, илмий-назарий соҳада, яъни криминология, жиноийҳуқуқий статистика ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳаларида олиб борилаётган илмий изланишларда, жиноятчиликка қарши самарали қуришда ушбу жараёнга таъсир этиш борасидаги аҳамиятининг тобора ошиб боришини таъминловчи янги концепция ишлаб чиқишида ва уни ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларида;

Иккинчидан, қонун ижодкорлиги соҳасида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ва қонуности ҳужжатларини янада такомиллаштиришда;

Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва унинг келиб чиқишига замин яратган

омилларни бартараф этишдаги амалий фаолиятида янги самарали механизмларни яратишда;

Тўртинчидан, юридик таълим-ўқув соҳасида «Криминология», “Хуқуқбузарлик профилактикаси” ва бошқа жиноятчилик профилактикаси ҳақидаги илмий-амалий қўлланма ва методикаларин замонавий тарзда бойитишда, уларни ўқитиш жараёнида ва кримпрогнозлашнинг ривожланиш йўли ва туркум фанлардаги сўнги фан ютуқларидан самарали фойдаланишни ўрганиш орқали унинг келажакдаги истиқболлари ҳақида муайян назарий стратегик концепсуал картасининг яхлит кўриниши ҳосил бўлади. Шунингдек, кримпрогнозлаш институтига оид қарашларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Магистрлик диссертацияси методларини тарихийлик, формалюридик, тизимли, мантиқийлик ва илмий билишнинг бошқа замонавий методлари ташкил этади. Магистрлик диссертациясининг фактологик асосларини хорижий ҳамда миллий адабиётлардан, эмпирик тадқиқотлардан ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларидан олинган ахборот базаси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Магистрлик диссертациясининг тузилиши унда таҳлил қилинган муаммоларнинг моҳиятидан келиб чиқиб ўзаро ички мантиқий яхлитликка эга бўлган кириш, икки боб ва уларга тегишли параграфлар, хулоса ва таклифлар, шунингдек, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ПРОГНОЗЛАШ ТУШУНЧАСИ, РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ, АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ

1.1. Криминалогик прогнозлаш тушунчаси, ривожланиш тарихи ва усуллар тизими, жиноятларнинг прогнози.

Дунё ҳамжамияти томонидан узок йиллардан буён инсонларнинг кадр-қимматини улуғлаш, инсонлар учун фаровон, осойишта ва хавфсиз жамиятни, давлатни барпо этиш бўйича назарий ва амалий изланишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда ҳам инсон кадрини улуғлашга қаратилган кенг масштабли ислохотлар олиб борилмоқда ва бу ислохотлар кўплаб хорижий эксперт ва мутахассислар томонидан ижобий баҳоланиб келинмоқда.

Бирок, бир қатор омиллар давлатчилик пайдо бўлибдики, унинг ривожланиши ва инсонларнинг фаровон, хавфсиз умргузаронлик қилишлари учун ғов бўлиб келади. Улардан бири барча давлатларда мавжуд ва улар томонидан доимий кураш олиб бориладиган жиноятчиликдир.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк кунлардан бошлаб жиноятчиликнинг кўпайиши жамиятнинг барқарор ривожланиши фуқароларнинг эса тинч, осойишта яшашлари учун раҳна солиб келди.

Жиноятчиликнинг ривожланиши нафақат суд-ҳуқуқ тизимига, балки давлатнинг иқтисодий негизига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг приатет вазифаларидан бири сифатида мамлакат сарҳадларида криминоген вазиятни яхшилаш, жамиятда қонунлар устуворлигини таъминлаш ва фуқароларда давлат раҳбарига, ҳоқимиятига ва органларига нисбатан ишончни мустаҳкамлашдан иборат бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда жиноятчилик билан боғлиқ бўлган ҳодиса ва жараёнларнинг турли-туманлиги, жиноятчилик содир бўлиб туришининг

мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳаёт билан бевосита боғлиқлиги бу салбий ижтимоий ҳодисани комплекс равишда таҳлил этишни, шу жумладан келажакда жиноятчиликнинг даражаси ва структурасида қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини ҳам ўрганишни тақозо қилади. Чунки, келажакда жиноятчиликнинг даражаси ва структурасида қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш имкониятлари бўлади.

Эндиликда жиноятчиликни фош этиш ва тергов қилишнинг ўзигина жиноятчиликка қарши курашиш учун самара бермасдан қолди.

Шу сабабли ҳам жиноятчиликни фош этиш ва тергов қилишдан ташқари жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг содир этилишига йўл қўйиб бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, жиноятчиликнинг содир этиш хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда уларни таҳлил қилиш ва жиноятчиликни содир этилишидан олдин уни башорат қилиш механизмларини ва жиноий статистик таҳлилни такомиллаштириш зарурати мувудга кела бошлади.

Барча соҳаларда бўлгани каби жамиятнинг умуман давлатнинг криминоген вазиятининг қай даражада эканлиги ва келажакда қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлиги ҳақида прогноз қилиш, таҳлил қилиш орқали муайян хулосага келиш имкониятини беради.

Шу жумладан, жиноятчиликда келажакда қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлиги криминологик прогноз қилиш орқали аниқланади.

Жиноятчилликка қарши кураш кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас ва унинг ўзига хос ривожланиш тарих йўли мавжуд. Шунингдек, ўтмишдаги ва ҳозирги даврда жиноятчилик ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилмасдан туриб, келажакда жиноятчиликда қандай сифат ва миқдор ўзгаришлари бўлиши мумкинлигини прогноз қилишнинг имкони йўқ, шу сабабли кримпрогноزلанишнинг қисқача тарихига тўхталиб ўтамиз.

Шарқда биринчи Россия давлатида жиноятчиликнинг статистик таҳлили статистика органлари томонидан жиноят статистикаси назарияси асосида 1801-1823 йилларда амалга оширилганли бўлсада, бироқ, дунёдаги биринчи жиноят статистикаси ҳисоботи 1827 йилда Франция давлатида расман нашр этилган ва бу жиноятчилик ҳисоботи Адлия вазири бошчилигида француз адвокати Андре-Мишел Герри (1802-1866) томонидан тузиб чиқилган. Унинг тадқиқотларини астроном ва математик томонидан давом эттирилган. А. Куетелет (1796-1874) эса 1826 йилда туғилиш ва ўлим бўйича биринчи статистик ишни ва 1835 йилда жиной-статистик ишни нашр этган¹.

А. Н. Радищев (1749-1802) аслида "Қонун ҳужжатлари тўғрисида" (1801) номи остида нашр этилган асарида биринчи қизиқарли криминологик тадқиқотларни олиб борган. Эътиборли жиҳати шундаки, А. Н. Радищев "Қонун ҳужжатлари тўғрисида" асарида жуда изчил криминологик концепция таклиф қилинган: жиноятчиликни ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларни чуқур ва кенг ўрганиш зарурати асосланди, миқдорий ва сифат кўрсаткичлари; Россиядаги жиноятчиликнинг сабаблари, унинг ижтимоий илдизлари тўғрисида фикрлар билдирилган, шунингдек, жиной-статистик тадқиқотлар дастури ишлаб чиқилган, ахлоқ статистикаси асослари яратилган ва жиноятчиликнинг "фон" ҳодисалари ва ижтимоий оғишларни ўрганиш бошланган. эмпирик криминологик тадқиқотлар эса 19-асрнинг бошларида амалга оширилган.²

Умуман олиб айтганда, жиноятларнинг статистик ҳисобини юритиш орқали уларнинг динамикаси ҳақида муайян тасаввурга эга бўлинган. Бироқ, 3-фан техника инқилоби бизга жиноятларнинг олдини олиш ва уларни олдиндан башорат қилиш учун чексиз имкониятлари тақдим этмоқда.

¹ М.Усмоналиев, И.Каракетов, Криминология. Дарслик, Тошкент давлат юридик институти. 2001й. 230-бет

² М.Усмоналиев, И.Каракетов, Криминология. Дарслик, Тошкент давлат юридик институти. 2001й. 232-бет

Кейинги ўринда, жиноятчилик ва криминалогик прогностлаш тушунчасига тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Жиноятчилик деганда, шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий ҳаёт фаровонлигига, иқтисодий ривожланишига ва сиёсий барқарорлигига раҳна солувчи узоқ вақт давомида комплекс курашишни талаб қиладиган ижтимоий ҳавфли қилмишни содир этиш тушунилади¹.

Жамият учун ҳавфли хатти-ҳаракатга “жиноятчилик” деб аталади. Демак, жамиятнинг жиноятчиликка қарши курашишининг сабаби -- ўзини ҳавф-хатардан ҳимоя қилиш экан.

Прогностлаш терминининг этимиологик таърифига келсак, прогноз сўзи грекча сўз бўлиб, «prognosis» сўзидан олинган, «олдиндан кўриш», яъни олдиндан илмий башорат қилиш маъносини беради².

Фикримизча, прогноз келажакни илмий усуллар орқали истиқболлаш тушунилади.

Прогноз - бу истиқболдаги воқеа, ҳодисаларнинг илмий модели ҳисобланади, яъни келажакда объектнинг эҳтимолий ҳолати ҳақида ёки бу ҳолатга эришишнинг муддатлари ва альтернатив йўллари ҳақида илмий асосланган фикрлар, мулоҳазалардир. Прогностлаштириш деганда эса прогнозни ишлаб чиқиш, яъни маълум бир жараённинг ривожланиш аниқ келажagini махсус илмий тадқиқ этишдир. Қисқача қилиб айтганда, прогнозлаштириш прогнозни ишлаб чиқиш жараёнидир².

Жиноятчининг содир бўлишини шунчаки статистик рақамларга асосланиб, прогноз қилишнинг ўз самараси бермаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

¹ М.Усмоналиев, И.Каракетов, Криминология. Дарслик, Тошкент давлат юридик институти. 2001й. 18-бет

² М.Усмоналиев, И.Каракетов, Криминология. Дарслик, Тошкент давлат юридик институти. 2001й. 231-бет.

Жиноятларни содир этилишини олдиндан прогноз қилиш анчайин мураккаб жараён ҳисобланади ва илмий изланишни талаб этади.

Соҳа мутахассислари ўртасида жиноятчиликни барошат қилиш ва прогнозлаштириш тушунчалари асосан фарқланмайди.

Бирок, бизнинг фикримизча, мазкур соҳада турли даврда яшаган турли давлатларнинг криминологлари турлича тушунчаларни ишлатадилар. Мисол учун жиноятчиликнинг криминологик башорати, жиноятчиликнинг криминологик прогнози, жиноятчиликнинг криминологик таҳлили ва ҳоказолар. Аммо, бу тушунчалар бир-бирига функционал яқин тушунчалар бўлса ҳам мазмун жиҳатдан бирмунча фарқланади.

Башорат қилиш негизида инсоннинг ички инстинкти ёки кўп йиллик тажрибаси асосида тахминий характердаги фикрлар ётса, прогнозлашнинг асосини эса илмий асосланган фикрлар, мулоҳазалар ташкил этади.

Яна бир фарқли жиҳатларидан бири шундан иборатки, барошат қилиш ва прогнозлаштиришнинг ишлаб чиқиш жараёнлари яқунларидан кутиладиган натижаларнинг хусусиятлари ҳам бир биридан фарқланади.

Мисол учун, башорат қилишда содир этилган ва содир этилиши мумкин бўлаган ҳолатнинг ўзи ёки тўпланган амалий тажрибаларга таянилади ҳамда аниқ натижалар кўрсатиб ўтилмайди.

Прогнозлаштириш эса конкрет натижани олишга йўналтирилади, натижалар кўрсатиб берилади, илм-фанда эришилган юқутлар ва қонуниятлардан фойдаланилади. Хусусан, математик ёки мантикийнинг қонуниятларидан кенг фойдаланилади.

Юқорилардан келиб чиққан ҳолда, жиноятчиликнинг динамикаси, унинг келажакдаги структураси, келиб чиқиш сабаблари ва уларга имкон берган ёки бериши мумкин бўлган шарт-шароитни таҳлил қилишда криминологик прогнозлаш терминини қўллаш ўринли бўларди.

Кримпрогноз қилиш муайян вақт мобайнида жиноятчиликнинг даражаси, структураси ва динамикасида қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлиги, унинг детерминантлари ва олдини олиш чоралари ҳамда унга таъсир қилишнинг бошқа воситалари ҳақида эътимол тутилагн мулоҳазалар ҳисобланади.

Жиноятчиликни прогноз қилишда олинаётган вақт мобайнида тахмин қилинаётган вазиятлар билан бир қаторда бир қанча бошқа аспектлар ҳам эътиборга олинади.

Хусусан, бутун мамлакат микёсида бўлаётган ва бўладиган ўзгаришлар, *муайян ҳудудлардаги ўзига хослик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий аҳвол кримпрогнозни амалга оширишда катта аҳамият касб этади.* Мисол учун муайян ҳудудда яшовчи шахсларнинг ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятни содир этиши, ўша ҳудудда яшаб келаётган шахсларнинг қашшоқлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шу билан биргаликда, криминологик адабиётларда белгиланишича, жиноятчиликни прогноз қилишда қуйидагилар эътиборга олиниши лозим:

✦ ўтган 10 йил мобайнида жиноятчиликка доимий ва интенсив равишда таъсир қилиб келаётган ижтимоий жараёнларни ифодаловчи демографик иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-руҳий, ташкилий бошқарув ва бошқа ижтимоий жараёнлардаги тенденциялар, жумладан, демографик иқтисодий соҳалар; турмуш даражаси; жиноятчиликнинг содир бўлиб туриши; аҳолининг жиноятчилик ва унга қарши курашиш туғрисидаги фикри; жиноятчиликка қарши курашишининг моддий таъминланганлик даражаси;

✦ прогноз қилинаётган муддат мобайнида тахмин қилинаётган ўзгаришлар, тенденциялар ва бу жараёнлардаги ўзгаришлар;

✦ ўтган 10 йил мобайнида жиноятчиликка таъсир килувчи ҳодисалар (ичкиликбозлик алкоғолизм, гиёвандлик захарвандлик (токсикомания), фохишабозлик ва ҳоказолар) ҳақидаги статистик маълумотлар;

✦ ўтган 10 мобайнида танлаб тадқиқот ўтказиш натижасида олинган умуман жиноятчилик ва жиноятларнинг турлари, жиноятчилар контингенти, жиноятчиликнинг ҳудудий тақсимланиши, тажовуз қилиш объекти, жиноят содир қилиш мотиви, усуллари ва ҳоказолар буйича статистик маълумотлар;

✦ шу муддат мобайнида танлаб тадқиқот олиб бориш натижаларига кўра, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда жиноят-ҳуқуқий чораларни ифодаловчи иш ҳажми, структураси, олдини олиш чораларини амалда татбиқ этишдаги тенденциялар ҳақидаги статистик маълумотлар;

✦ ўтган 10 йил мобайнида жиноятчиликка қарши кураш ишининг қай даражада ҳуқуқий тартибга солинганлиги ва жиноятчиликка қарши курашнинг моддий жиҳатдан таъминланганлик даражаси ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш ишида қай даражада самара берганлиги ҳақидаги маълумотлар;

✦ прогноз қилишни бошлаш вақтида жиноятчилик жиноятчиликнинг ҳолати ва унинг тенденциялари туғрисидаги аҳолининг фикри билан ўтган бир-уч йил ичидаги маълумотларни солиштириш натижасидаги маълумотлар (жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи, ундаги тенденциялар, ҳуқуқни мудофаза қилувчи органларининг обрўйи ва ҳоказолар ҳақида аҳолининг фикри);

✦ янги турдаги жиноятлар, жиноят содир қилишнинг янги шакллари ва усуллари ҳақидаги маълумотлар (ҳатто улар жуда ҳам камлигига қарамасдан);

✦ ҳудудлараро ва давлатлараро содир этилган жиноятлар ҳақидаги маълумотлар;

✦ Ўзбекистан Республикаси билан чегарадош давлатларда жиноятчилик уларда прогноз қилиш ва жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи тўғрисидаги маълумотлар¹.

Юқорида келтирилган мезонлар ҳам турғун эмас ва уни такомиллаштириш ва кенгайтириш мумкин.

Кейинги ўринда кримпрогноз қилишнинг муддатига қараб турлари ва унинг жиноятларни кримпрогноزلашдаги аҳамиятига тўхталиб ўтамиз. Криминолог олимлар томонидан кримпрогноз қилиш қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узоқ муддатли турлари ишлаб чиқилган.

Қисқа муддатли прогноз қилишда бир ёки икки йиллик муддат олиниб, бундай прогноз қилиш жиноятчиликка қарши курашнинг жорий йили ва келаси йили учун профилактика чораларини ишлаб чиқишга хизмат қилади ҳамда ижтимоий ҳуқуқни мудофаза қилувчи фаолиятда жиддий ўзгариш юз берганида қўлланилади.

Мисол учун жиноятларни руйхатга олиш тизимида, айрим ҳуқуқ бузилишлари, криминилизация ёки декриминилизация қилинганда, амнистия акти чиққанда ва шу каби бошқа ҳолатларда жиноятчиликнинг даражаси ва структурасидаги ўзгаришлар ҳисобга олинади. Шу билан биргаликда кримпрогноз қилиш жараёнида янги ижтимоий муносабатлардан келиб чиқаётган ҳуқуқбузарликлар ҳам аниқланиши мумкин.

Ўртача муддатли прогноз қилиш уч — беш йилни уз ичига олади. Мазкур давр оралиғини прогноз қилишдан мақсад қуйидаглардан иборат бўлиши мумкин.

Биринчидан, жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи субъектларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини жамиятда бўладиган йирик ўзгаришларни, бевосита жиноятчиликка қарши кураш ишига

¹ М.Усмоналиев, И.Каракетов, Криминология. Дарслик, Тошкент давлат юридик институти. 2001й. 234-бет.

йуналтирилган **иқтисодий ва ижтимоий тадбирларни** эътиборга олган ҳолда ташкил этиш;

Иккинчидан, жиноятчиликка қарши кураш ишларининг самарадорлигини ошириш ва улардан имкони борича самарали фойдаланиш, шунингдек, криминология нуқтаи назаридан ўтказилаётган чора-тадбирларга салбий таъсир қиладиган ҳолларни бартараф қилиш ҳамда прогноз қилинаётган вақтда ижтимоий ва ҳуқуқий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда жиноятчиликка қарши кураш ишини мақсадга мувофиқ бўлган йуналишда ташкил этиш;

Учинчидан, прогноз қилинаётган муддатда жиноятчиликка қарши курашнинг моддий жиҳатдан етарли даражада таъминланишини ҳал этиш, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод бўлиб келаётганлар ўртасида рецидив жиноятлар содир бўлишининг олдини олиш ишларини мақсадга мувофиқ равишда ташкил этишдан иборатдир.

Мазкур кримпрогнозлаш даврида санаб ўтилган мезонларни доимий асосда ўрганиш амалиёти мавжуд эмас.

Узоқ муддатли прогноз қилиш келажакдаги 10- 15 беш йилни уз ичига олади. Бунда ана шу муддат ичида содир бўладиган ўзгаришлар, тенденциялар, жамият тараққиётига қараб жиноятчиликнинг сабабларидаги ўзгаришлар умумий тарзда тахмин қилинади. Бунда, албатга, жиноятчиликка таъсир қилувчи умумий омиллар ҳисобга олинади.

Афтидан, жиноятнинг қисқа муддатли прогнозлари уч йилгача бўлган прогнозларни ўз ичига олиши керак. Ушбу чегаралар доирасида жиноятни баҳолаш аниқроқ берилиши мумкин, чунки бундай даврда жиддий ўзгаришлар рўй бериши даргумон. Ички ишлар органлари амалиётида сўнгги пайтларда такроран жиноят содир этиш даражасининг уч йиллик прогнозлари кенг

тарқалди. Кўпчилик янги жиноятлар жазони ўтаган кундан бошлаб дастлабки уч йил ичида содир этилиши сабабли уч йиллик муддат танланган.

Шуни ёдда сақлаш лозимки, криминологик прогноз қилиш тахминий ва тасодифий ҳодисаларга асосланмай, давлат ва жамият ривожланишининг аниқ қонуниятлари ҳамда жамиятни ривожлантириш дастурига асосланган ҳолда бажарилади. Шунга кўра, криминологик прогноз қилиш бир қатор криминологик тадқиқотлар олиб бориш билан боғлиқ бўлади.

Бинобарин, криминологик прогноз қилиш ҳам ўз навбатида криминологик тадқиқотнинг бир тури ҳисобланади.

Муаллиф Р. С. Белкиннинг " криминологик прогнозлаш битта саноат прогнозлаш турлари асосида ривожланаётган умумий прогноз ҳисобланади. Бу илмий башорат шакли сифатида прогнозлаш натижасида юзага келадиган жараён, келажак ҳақида асосли фикрлар тизими сифатида, ривожланиши мумкин йўналишлари хусусиятлари сифатида жиноятларни криминологик прогноз қилишнинг қуйидаги усуллари усуллари юридик адабиётларда кўрсатиб ўтилади¹.

1. Индивидуал криминологик прогноз қилиш,
2. Жиноятчиликни прогноз қилиш
3. Жиноят сиёсати буйича прогноз қилишдир².

Индивидуал криминологик прогноз қилишда ҳар бир алоҳида шахсларнинг жиноий хулқи ҳақида прогноз қилинади. Мазкур кримпрогнозлаш усули катта иқтисодий ресурс талаб қилади. Мамлакатимизда мазкур кримпрогноз услубидан самарали фойдаланишнинг илмий ва моддий имкониялари мавжуд эмас.

¹ В.Ингилович, С.Иванов, Прогнозирование уровня преступности в городской среде с использованием социальных факторов .стр. 40

² П.Э. Вон, Влияние девальвации и раскрываемости на раскрытие преступлений стр 12

Хуқуқбузар шахслар билан якка тартибда профилактик суҳбат ўтказиш шунчаки қоғозбозлик учун қилинмоқда. Мазкур услубда фойдаланишда якка шахс тадқиқот объекти сифатида олинади ва унинг **кримкартатекалари орқали** унинг жиноий хулқига баҳо берилади ва у келажакда содир этиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли қилмиш аниқланиб, уни содир этишининг олди олинади. Буда **кримреестрлар катта аҳамият эга.**

Жиноятчилик прогнози моҳиятан нафақат давлат органлари, балки жамоат ташкилотлари томонидан ҳам жиноятчиликка қарши курашни бутун ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу жиноятчиликка қарши тизимли курашнинг муҳим босқичидир, чунки фақат прогноз асосида **жиноятга таъсири бўйича эрта қарорлар қабул қилиш масалаларини ҳал қилиш**, шунингдек, профилактика чораларини амалга оширувчи органлар тизимини ривожлантириш мумкин. жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқа чора-тадбирлар¹.

Жиноятчиликни башорат қилиш жамият ташкилотининг ҳар қандай даражасида хуқуқбузарликларнинг олдини олишни комплекс режалаштириш учун зарурий илмий асосдир.

Мазкур услубнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда тадқиқот объекти бўлган шахснинг содир этиши мумкин бўлган жинояти ҳақида асосланган хулосага келишда унинг руҳий-жисмоний ҳолатлари, яшаш тарзи ҳам аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида тиббиёт ходими, психолог ва сотсиолог хизматларидан ҳам фойдаланиш заруратини туғдиради.

Кейинги кримпрогноз қилиш услуби жуда кам кенг қўлланиладиган жиноятчиликни прогноз қилишдир. Бу услубда жиноятчилик ижтимоий ҳодиса сифатида прогноз қилинади ва маълум давр давомида содир этилган жиноятларининг таҳлил қилиниши орқали уларни келажакдаги динамикаси ва структураси аниқланади.

Эмпирик тадқиқотлар натижасида жиноят қонунчилигидаги бўладиган ўзгаришларга мувофиқ равишда жиноятчиликда буладиган муайян ўзгаришлар жиноят сиёсати бўйича прогноз қилиш орқали аниқланади.

Агар индивидуал жиноий ҳуққи ва жиноятчиликни прогноз қилиш асосан **жиноятчиликнинг кўпайишига тўсқинлик қилиш мақсадида** бажарилса, жиноят сиёсати бўйича прогноз қилишда қабул қилинадиган жиноят қонунининг самарадорлик имкониятлари ва унинг амалда муваффақиятли татбиқ этилишини, жиноятчиликка қарши курашдаги самарадорлиги олинади.

Индивидуал жиноий ҳуққи ҳамда жиноятчиликни прогноз қилиш агар жиноятчиликка қарши кураш ишининг самарадорлигини оширса, муваффақиятли прогноз ҳисобланади.

Жиноятчилик ва унинг устидан назорат қилиш жамиятнинг жиноятчиликка муайян таъсир қилиш йулларидан бири бўлган криминологик прогноз қилиш орқали ҳам таъминланади.

Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши курашда жабрланувчилар ҳақида ҳамда **виктимликка мойилликни** (масалан, эҳтимол тутилган кенг доирадаги жабрланувчилар мавжуд бўлган жойларни) прогноз қилиш жиноятчиликка қарши кураш ишида жиддий аҳамиятга эгадир.

Маълумки, жиноятчилик индивидуал ва ижтимоий жараёнлар доирасида юз беради. У жамиятнинг ривожланиб бориши билан биргаликда муттасил равишда сифат ва миқдор жиҳатидан ўзгариб боради.

Унга қарши курашда эса илмий асосланган, олдиндан ҳисоб-китоб қилинган тадқиқот натижалари зарур. Ана шу тадқиқот ва прогноз қилиш натижалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш ишини ташкил этишнинг асосий базаси ҳисобланади.

Жиноятчиликни прогноз қилишда **кенг жамоатчиликнинг жиноятчиликка бўлган муносабати хам эътиборга олиниши керак.** Яъни аҳолининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасида кўриладиган чоратадбирларга муносабати, содир этилиш эҳтимоли бўлган ёки содир этилган жиноятлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришга тайёрлиги каби масалалар хам эътиборга олиниши керак.

Жиноятчиликнинг даражаси ва структураси маълум даражада жиноят қонунчилиги ва унинг амалиётда қўлланиши тажрибаси билан хам боғлиқдир. Шунинг учун хам криминологик прогноз қилишда жиноят қонунчилигида бўладиган ўзгаришлар хам эътиборга олиниши керак.

Жиноятчиликни прогноз қилиш — доимий равишда олиб бориладиган билишнинг ижодий жараёни бўлиб, унга олиб борилган тадқиқотларда янги маълумотлари қўшиб борилишини ва узлуксиз жиноятчиликнинг олдини олишни муттасил равишда таъминлашни талаб этадиган вазифадир.

Жиноятчиликни прогноз қилиш келажакда содир бўладиган барча тасодифларни, ўзгаришларни тўла ва аниқ эътиборга ола олмайди. Лекин, шунга қарамай прогноз қилиш орқали келажакда жиноятчиликнинг даражаси, структураси ва динамикаси ҳақида ҳақиқатга яқин бўлган маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Прогноз қилишнинг яна бир муҳим томони фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятини муайян йуналишда тартибга солиб туришнинг ўзи бўлмасдан, балки, жазони ижро этиш муассасалари қувватини ҳисобга олишдан ҳамда маҳкумларнинг миқдорига қараб уларни жойлаштиришга тайёр бўлишдан хам иборатдир.

Масалан, Муаллиф Г.Азорин қуйидаги тушунчани беради: "криминологик прогнозлашнинг асосий вазифаси тенденцияларни тан олиш,

прогноз қилинаётган жараённинг ривожланиш мантиғини тан олишдир, бу эса охир-оқибат қисқаришга имкон беради¹.

Жиноятларни криминолигик прогнозлаш жараёнини асосий босқичлари белгилаб олинган бўлиб, у куйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

Биринчи босқич — прогноз қилишнинг йуналишини белгилаб олиш. Бу босқичда прогноз қилишнинг мақсади, вазифалари, йуналиши, вақти, прогноз қилиш учун керакли ҳаракатлар ва шунга тегишли барча ишлар белгилаб олинади. Мазкур босқичда асосан муайян ҳудуддаги жиноятчиликни прогноз қилиш зарурати асослантирилади. *Концепсия лойиҳаси, кримпрогнозда талаб этиладиган иқтисодий ва кадрлар ресурслари ўрганиб чиқилади. Кримпрогнозда режалари тузилади.*

Жиноятчиликни прогнозлаштириш учун ишлаб чиқиладиган режалаштиришнинг кўплаб камчиликлари мавжуд: Хусусан,

- 1) ижтимоий-иқтисодий режаларни ишлаб чиқишда криминал муаммоларга етарлича баҳо бермаслик;
- 2) идоравий, идоралараро ва ҳудудий режаларда ўзаро боғлиқликнинг йўқлиги;
- 3) криминалистик режаларнинг бажарилиши устидан назоратнинг ёмонлиги ва махсус ваколатли органнинг йўқлиги;
- 4) баъзан илмий асосга эга бўлмаган ёки фақат ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб ишлаб чиқиладиган, криминологик вазифаларни кам акс эттирувчи бўлимларнинг таклифлари асосида режаларнинг криминологик бўлимларини дастлабки тадқиқотларсиз ишлаб чиқиш;

¹ Криминологическое прогнозирование и планирование, осуществляемые органами прокуратуры Луконкин Ярослав Игоревич, студент Научный руководитель: Вишневецкая Ирина Николаевна, кандидат юридических наук, доцент Саратовская государственная юридическая академия

5) йўқлиги норматив акт криминология чораларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тартибини тартибга солиш субъектларининг тизимли режалаштиришда ҳал этилмаган муаммоларидир.

Иккинчи босқич — жиноятчиликнинг ҳолати, даражаси, структураси ва динамикасига таъсир қилувчи жараён ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни ҳамда жиноятчиликка қарши келажакда олиб бориладиган кураш ҳақидаги маълумотларни йиғиш.

Бунда ҳал қилиниши керак бўлган ҳодисага таъсир қилувчи жараён ва омиллар ҳақидаги маълумотлар ҳамда жиноятчиликнинг ўзгаришига таъсир қилувчи норматив материаллар, жиноятчиликка қарши курашнинг норматив, моддий таъминланиши, бу чораларнинг структураси, кучлар ва уларнинг миқёси ва хоказолар ҳақдаги маълумотлар йиғлади.

Учинчи босқич — йиғилган маълумотларни қайта ишлаш ҳамда прогноз қилинаётган давр мобайнида қўлланадиган жиноятчиликка қарши кураш чоралари ҳақидаги тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир¹.

Мазкур босқич катта аҳамият касб этади ва бир қийинчиликларга олиб келади. Тадқиқот натижасида эришилган натижалардан фойдаланиш масалалари қонунчиликда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаган. Тавсияларнинг ишончлилиги ва унинг асосланганлиги ҳақида маълумотлар ундан фойдаланмоқчи бўлган субъектларга тақдим этилмайди.

Шунингдек, берилган тавсияларни тадқиқот объектига реализация қилинганда қандай натижаларга эришиш ҳақида асосланган хулосалар тақдим этилиши лозим.

Криминолог олим Антонян Юрий Миранович криминологик прогнозни ташкил этишнинг асосий босқичлари сифатида:

- прогноздан олдинги йўналиш: мақсадлар, вазифалар, фаразлар, этказиб бериш муддати ва бошқаларни аниқлаш;

- жиноятчиликнинг ривожланиши ва унга қарши курашни белгилловчи жараёнлар ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш; жиноятнинг дастлабки тавсифи ва унга қарши курашнинг ўтмишдаги даражаси ва динамикаси бўйича;

- прогнозни қидириш, яъни ҳал қилиниши керак бўлган истиқболли муаммоларни аниқлаш учун таъсир этувчи жараёнлар ва омилларни ҳисобга олган ҳолда келажакдаги ривожланишнинг мумкин бўлган вариантларини танлаш;

- меъёрий прогноз, яъни чора-тадбирлар, кучлар, ресурсларнинг табиати, ҳажми, тузилишини белгилайдиган стандартларга асосланган муаммоларни ҳал қилишнинг мақбул усулларини танлаш;

- ҳақиқийлигини баҳолаш;

- жиноятчиликка қарши курашни бошқаришни оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва бу кураш шартларини кўсатади.

Кримпрогонзлаш натижасида олинган маълумотлар ахборот кўринишига эга бўлиши лозим. Тадқиқот учун асос бўлган маълумотларнинг ҳақиқийлигига баҳо бериши лозим.

1.2. Ўзбекистон Республикасида жиноят вазиятнинг умумий тавсифи, олиб соҳада олиб борилаётган ислохотлар.

Юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, фан-техника тараққиёти ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига жиддий таъсир кўрсатаётган ҳозирги даврда, айниқса, мамлакатимиз бозор иқтисодиёти тизимига ўтаётган вақтда келажакда жиноятчиликнинг ҳолати, даражаси, структураси ва динамикасида қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини олдиндан билиш роят катта аҳмиятга эгадир.

Мамлакатимизда ҳам ҳозирги тараққиёт босқичида суд-ҳуқук, жумладан, ҳуқукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш

тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Мазкур соҳада қабул қилинган 150 дан ортиқ қонун ҳужжатлари бунинг яққол мисолидир. «Хавфсиз шаҳар», «хавфсиз хонадон», «хавфсиз туризм» каби ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олишнинг инновацион ғояларини ўз ичига олган концепциялар ҳаётга татбиқ этилди.

Энг асосийси, бу соҳа ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки уларнинг олдини олиш зарурлиги ҳақидаги ҳаётий тамойил асосида ислоҳ қилинмоқда.

Шундай бўлишига қарамадан, жиноятчиликнинг криминологик прогнозлаштириш масаласи бугунги кунда жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда долзарб масаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Биргина рақамларга юзланадиган бўлсак, 2008 йилнинг ўзида мамлакатимизда 88 мингдан, 2010 йилда 92 мингдан, 2021 йилда эса 111 мингдан ортиқ жиноят содир этилганлиги қайд қилинган¹.

Мазкур рақамларнинг ўзи ҳам жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида етарлича муаммолар борлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида Фармонининг 16-мақсадида ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш дозарб ва истиқболли вазифалар сифатида кўрсатилган².

Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси соҳаси 2014 йил 14 майдаги Ҳуқуқбузарликлар

¹ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>

² <https://lex.uz/docs/5841063>

профилактикаси тўғрисидаги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2833-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2018 йил 31 октябрдаги Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-5566-сон Фармони ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таритиба солиниб келмоқда.

Этборли жиҳати шундаки, 2018 йил 31 октябрдаги ПФ-5566-сон Фармони билан Бош прокуратура Академияси тузилмасида Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази ташкил этилган ва мазкур марказ олдига жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шароитларини ўрганиш ҳамда диагностика қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан, алоҳида турдаги жиноятларнинг олдини олиш ҳолатини таҳлил қилиш, жиноятчилик аҳволи ўзгаришларини криминологик прогноз қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини методологик ва консултатив таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижро этилишини мониторинг қилиб бориш, жиноят турлари, жиноятчи ва жабрланувчиларнинг шахси бўйича илмийамалий изланишлар олиб бориш каби бир қатор долзарб вазифалар қўйилган.

Мамлакатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг натижасида 2019 йилда умумий жиноятлар қарийб 3 мингтага ёки 6 фоизга камайиб, юртимизда криминоген вазият барқарорлиги таъминланган, хусусан

9116 та маҳалладан 3074 таси ёки ҳар учинчисида жиноят содир этилган¹. Лекин ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда кузатилаётган айрим камчиликлар соҳадаги ислоҳотларга соя солаётганлиги ҳам айни ҳақиқат.

Келгусида мамлакатдаги криминоген **вазиятни ўта аниқликда белгилаш**, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалдаги механизмларнинг долзарб муаммо ва камчиликларини аниқлаш, шунингдек, уларни такомиллаштиришнинг ҳар томонлама ўйланган истиқболларини ишлаб чиқиш имконини берувчи жиной-хуқуқий статистикани юритиш ва жиноятларни таҳлил қилишнинг самарали тизимини жорий этиш муҳим ўрин эгаллайди.

Жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига шарт-шароит яратиб бераётган омилларни ўрганиш ва ўрганиш натижасида тўпланган маълумотларни **филтр-таҳлил қилиш**, уларни илмий асослаш масаларида етарли даражада ишлар олиб борилмади.

Жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари нафақат ҳуқуқшунослар томонидан, балки иқтисодчилар, социологлар ва бошқа турли соҳа вакилари томонидан ўрганиб келинмоқда.

- 1) жиноят ва жинойи хатти-ҳаракатларнинг умумий ва ўзига хос шакллари доимий равишда ўрганиш;
- 2) криминалистик прогнозларнинг объектив мумкин бўлган вариантларини олиш;
- 3) прогностик хулосаларни "йўқ қилиш" учун ишлатилиши мумкин бўлган мавжуд кучлар ва воситаларни баҳолаш;
- 4) жинойи кўринишларга қарши курашнинг оптимал усулларини аниқлаш¹.

Ўшандан бери 20 йилдан ортиқ вақт ўтди, аммо ўтган йилларда ишлаб чиқилган криминологик режалаштириш асослари ўзгармади.

Юқорида айтилганларга асосланиб, биз тегишли таърифни таклиф қилишимиз мумкин.

Криминологик режалаштириш деганда жиноятни, унинг ўзига хос сабаблари ва шартларини, жиноий фаолиятнинг мумкин бўлган субъектларининг умумий хусусиятларини тизимли ва илмий асосланган ўрганиш тушунилиши керак.

Мамлакатдаги (вилоят, шаҳар, туман) криминалистик вазиятни эҳтимолий прогнозлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ёки унинг алоҳида институтларининг куч ва воситаларини объектив ҳисоблаш, мумкин бўлган жиноий оғишларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш бўйича тегишли чоратадбирлар ва реал вазифаларни ҳал этиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва профилактика фаолиятида ушбу вазифаларни амалга ошириш зарур.

Шунингдек, прогнозлаш ва режалаштириш аслида мақсад ва вазифаларда фарқ қилади.

Агар прогнозлашнинг мақсади келажакда аниқлаш бўлса, жиноятни камайтиришга ёрдам берадиган жиноятни ўзгартиришнинг мумкин бўлган вариантлари, кейин режалаштириш мақсади бу муддатларни, зарур ресурсларни, жиноят билан кураш воситаларини белгилайдиган стратегик режаларни ишлаб чиқишдир¹.

Прогнозлаш ва режалаштириш қуйидагилар билан чамбарчас боғлиқ прогнозлаш режани амалга оширишдан олдин, режаларни тузиш учун зарур ва аниқроқ прогноз, тўғри таъминлаш учун кўпроқ асослар режалаштириш маълумотларни беради.

Жиноятчиликни кримпрогнозда турли усул ва услублардан фойдаланилади.

Криминология адабиётларида криминологик прогноз қилишнинг кўпроқ **учта усули ҳақида** айтилади. Булар:

- экстраполяция;
- экспертларнинг баҳолаши;
- моделлаштириш усуллари.

Экстраполяция усули ўтган давр ва ҳозирги даврдаги жиноятчиликдаги ўзгаришларни муайян тартибда қаторларга қўйиб, келажакдаги ўзгаришларини аниқлашдан иборат².

Бунинг учун муайян йиллар бўйича жиноятчиликнинг статистик кўрсаткичлари динамик қаторларга қўйиб чиқилади. Ўтган ва ҳозирги йиллар давомидаги жиноятчиликнинг ўзгаришлар тезлиги, йуналиши, хусусиятлари солиштирилади. Бу қаторларда одатда абсолют маълумотлар ва коэффицентлар олинади. Мўлжалланган вақт (прогноз қилинадиган вақт) қанчалик қисқа бўлса, экстраполяция усули шунчалик аниқ маълумот беради.

Шунингдек, муайян турдаги жиноятларнинг барқарорлик даражаси ҳам аниқроқ маълумотлар олишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Масалан, келажакдаги уч ёки беш йил мобайнида одам ўлдириш ва баданга шикаст етказиш жиноятлари экстраполяция усули билан прогноз қилинганда иқтисодий жиноятларни прогноз қилишга нисбатан аниқроқ маълумотлар олинади. Чунки одам ўлдириш ва баданга шикаст етказиш жиноятлари анча барқарор ҳисобланади.

Аmmo экстраполяция усулида жиноятчиликни прогноз қилиш усули билан аниқ маълумотларга эга бўлишни латент жиноятчилик бироз мураккаблаштиради. Агар латент жиноятчиликнинг кўрсаткичлари ҳам эътиборга олинadиган бўлса, анча аниқ маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Прогноз қилишнинг экспертлар баҳолаши усулида жиноятчиликнинг келажакдаги даражаси, структураси, динамикаси ҳақида маълумотлар бера

оладиган, муайян соҳа буйича етарли иш стажига, малака ва билимга эга бўлган илмий ва амалий ходимларнинг жиноятчилик ва унинг айрим турлари ҳамда жиноятчиликка интенсив равишда таъсир қиладиган жараён ва ҳодисалар ҳақдаги фикрлари олинади ва умумлаштирилади.

Мазкур усул орқали прогноз қилишда жиноятчиликка таъсир қилувчи омиллар рўйхати берилиб ишлаб чиқилган ва бу омиллардаги ўзгаришлар миқёсини баҳолаш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Прогноз қилишнинг моделлаштириш усули эса жиноятчиликнинг динамикасини кўрсатувчи ва унга жиддий таъсир қилувчи комплекс равишдаги омилларнинг ўзаро алоқадорлигини эътиборга олиб, **махсус дастур тайёрловчилар ёрдамида математик формулалар тизими** асосида ишлаб чиқилган прогноз қилишдир.

Моделлаштириш криминологик прогноз қилишнинг усули сифатида муайян вақт мобайнида кузатиладиган объектнинг мавжуд бўлиши ва ривожланиши қонунларини кибернетик моделлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Криминологик прогноз қилишда фақатгина прогноз қилишнинг биттагина усули билан чекланиб қолмасдан, юқорида айтилган усулларнинг қўшиб олиб борилиши ҳақиқатга анча яқин бўлган маълумотлар олиш имконини янада кенгайтиради.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида, шунингдек мамлакатимизда ҳам узок давр мобайнида криминологик прогноз қилишга жиддий аҳамият берилмади.

Криминологик прогноз қилиш доимий равишда олиб бориладиган, ташкилий жиҳатдан унга боглиқ фаолият ишлаб чиқилиши жиноятчиликка қарши кураш режасини ишлаб чиқишга хизмат қиладиган бошқарув ва норматив фаолият олиб борадиган бўлиши керак.

Кундалик хаётда прогноз қилишнинг чуқурлаштирилган ва енгил усулларида фойдаланилади.

Чуқурлаштирилган прогноз қилиш илмий муассасалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таҳлил қилиш бўлимлари томонидан ўтказилиши лозим.

Бу усул бир-бири билан боғланиб кетган кенг доирадаги масалаларни қамраб олади ҳамда 1-2, 3-5 йиллар мобайнидаги муаммоларни ўз ичига олади. Бунда кенг доирадаги прогноз қилишни ахборотлар билан таъминлашда демографлар, иқтисодчилар, ижтимоий рухиятшунослар, тиббиёт мутахассислари ва ҳоказолар қатнашади.

Прогноз қилишнинг енгиллаштирилган усули ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқий таҳлил қилиш бўлимлари томонидан ўтказилиб, анча тор доирадаги омиллар олиниб, бир-уч йиллик муддатни ўз ичига олади ва жиноятчиликка таъсир қилувчи асосий тенденцияларгина олинади. Криминологик прогноз қилиш жиноятчиликка қарши кураш ишларини режалаштириш ва бу борадаги ишларнинг асосий базаси ҳисобланади.

Прогноз қилиш жиноятчиликка қарши курашишнинг энг самарали усуллари танлаш ва ишлаб чиқиш имконини беради.

Криминологияда индивидуал жиноий ҳуққни прогноз қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Индивидуал жиноий ҳуққни прогноз қилиш алоҳида кишилар шахсини ўрганиш жараёнида қилинади.

Индивидуал прогноз қилиш анча мураккаб муаммо бўлиб, шахсининг ҳуққи, қизиқишлари, мойиллиги, қадриятларга муносабатлари, руҳий хусусиятлари ва ҳоказоларга қараб олиб борилиши мумкин.

Индивидуал жиноий ҳуққни прогноз қилиш шахсининг ички фактларига ҳамда ташқи объектив фактларга баҳо беришга асосланган ҳолда ўтказилиши

билан ҳам мураккабдир. Индивидуал прогноз қилишда факат «эхтимоллик» қоидасига асосланган ҳолда эхтимол тутилган жиноий хулқ прогноз қилинади.

Шахс ҳақида қанчалик батафсил ва аниқ; маълумотлар олинган бўлса, прогноз маълумотлари шунчалик аниқ бўлади ва шахс томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишнинг самарали чоралари ишлаб чиқилади. Инсон хулқининг қандай бўлиши мумкинлигини, шахс ҳақида, унинг хулқини белгиловчи омилларни қанчалик даражада яхши билишимиз, бу хулқнинг амалга оширилиши учун шароитнинг қанчалик даражада мавжудлиги билан боғлиқдир.

Психиатрлар Хили ва Бронерларнинг (АҚШ) тадқиқотлари натижаларига кўра, вояга етмаган жиноятчиларни ахлоқан тузатиш, унга таъсир қилиш дастурининг ўзи билангина боғлиқ бўлмай, балки уларнинг келиб чиқиши ва яшаган муҳити билан ҳам боғлиқдир.

Шахснинг келажакдаги хулқини прогноз қилишнинг асослари унинг ҳаракатлари, ижтимоий алоқалари ва атрофини ўраб турган муҳитдир. Аммо шахснинг хулқини прогноз қилиш учун унинг атрофини ўраб турган муҳит ва ижтимоий алоқалардаги ўзгаришлар динамикаси албатта эътиборга олиниши керак.

Инсон шахсига салбий таъсир қилувчи омилларнинг хусусиятларига қараб олдини олиш чоралари қўлланиши керак яъни ўша шахс томонидан содир этилиши мумкинлиги ҳақида қилинган прогноз юз бермаслиги керак. Индивидуал жиноий хулқни прогноз қилиш ва жиноятнинг индивидуал олдини олиш ягона бир жараёндан иборат бўлиши керак.

Жиноят содир бўлишининг индивидуал олдини олиш доимий, ҳар томонлама ва шахс хулқини унинг алоқалари ва ниятларини эътиборга олган ва чуқур ўрганган ҳолда олиб борилиши керак. Бундай ўрганиш асосида олинган маълумотлар ва унга асосланган прогноз кишилар билан олиб

бориладиган индивидуал ишларнинг самарали воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш имконини беради.

Мисол учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг муҳим вазифаларидан бири озодликдан маҳрум бўлиш жойларидан озод бўлиб келган ва жазони уташ вақтида тузалмаган маҳкумларни маъмурий назорат остига олишдир.

1992 йил 9 декабрда «Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатишнинг шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, ушбу қонунда маъмурий назорат ўрнатиладиган шахсларнинг доираси, уларнинг ҳуқуқини чеклашнинг доираси, назорат ўрнатишнинг асослари ва тартиби қонуний асосда белгилаб берилди.

Шунингдек, маъмурий назорат маъмурий-ҳуқуқий институт сифатида комплекс характерга эга ва унинг асосий мақсади жазодан озод бўлиб келган шахс томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олишдан иборатдир.

Маъмурий назорат шахснинг айнан келажакда жиноят содир этиши мумкинлиги прогноз қилиниб, уни содир этишга йул қўймаслик мақсадида қўлланиди. Жазодан озод қилинган шахслар устидан ўрнатилган маъмурий назорат фақат қонунга асосланган бўлиб, шахс ҳақида етарли даражадаги маълумотга эга бўлинган ва уларга ҳуқуқий баҳо берилган бўлиши ҳамда маъмурий назорат ўрнатиш учун жиддий асос бўлиши керак.

Крипрогноزلанишнинг натижаларидан жиноят содир этган шахсларни жазодан озод қилишда судьялар ҳам фойдаланишлари мумкин. Мисол учун шартли ҳукм қилиниб, синов муддати белгиланган шахслар устидан ҳам маъмурий назорат ўрнатилиб, бундай шахсларга нисбатан прогноз қилишнинг қоидаларидан фойдаланилади.

Уларнинг шахси, содир этган жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси, шахснинг жиноят содир этиш сабаблари ва ҳоказолар

эътиборга олиниб, унинг келажакдаги хулқи қандай бўлиши прогноз қилинади ва у янги жиноят содир қилмайди деган қатъий фикрга келиниб, шартли хукм қилинади. Шартли хукм қилинган суд томонидан белгиланадиган синов муддати мобайнида унга нисбатан белгиланган шартларни бажарса, бошқа ҳуқуқ бузилишларига йўл қуймас, қилинган прогноз асосли бўлиб чиқади.

Юқорида таъкидланганидек индивидуал жиноий хулқди прогноз қилиш ва индивидуал олдини олиш маълум даражада ягона жараён бўлиб, шахс билан олиб бориладиган **индивидуал тарбия ва жиноятнинг олдини олиш муайян режа асосида** олиб борилади.

Туғри, барча шахслар учун ягона бўлган тарбиявий ишлар режасини тузиб чиқишнинг иложи йук. Чунки, ҳар бир кишининг шахси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг жисмоний ва руҳий хусусиятлари, ахлоқан бузилганлигининг чуқурлиги даражаси, қизиқиш ва мойиллиги ва ҳоказо сифатлари ҳар хил.

Шунга қарамасдан, шахсларнинг айрим типик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда маълум даражада индивидуал хусусиятлари эътиборга олинган тарбиявий ишларнинг намунавий режасини ишлаб чиқиш мумкин.

Криминологик адабиётларда берилган тавсияларга кўра тарбиявий ишлар режасини ишлаб чиқиш тадбирлари қуйидаги асосий йуналишлардан иборат бўлиши керак:

- киши шахсини.ифодаловчи сифатларни кўрсатадиган маълумотларни олиш мақсадида шахсни ўрганиш;
- шахс ҳаётининг фаолиятининг барча соҳаларини ифодаловчи муҳитни (яшаш жойи, уқиш жойи, иш жойи, буш вақтини утказадиган жойларни) ўрганиш;
- шахснинг яқин қариндош-уруғлари ва яқин кишилари билан танишув суҳбатлари;

— шахснинг яшайдиган жойига бориб, ижтимоий турмуш шароити билан танишиш;

— шахснинг танийдиган ёки ишлайдиган жойига бориб, у ерда шаклланиб қолган шароит билан танишиш ва агар зарур бўлса, шахс ўқиётган ёки ишлаётган муассаса ёки корхонанинг маъмурият вакиллари билан суҳбатлар ўтказиш

Индивидуал олдини олиш чораларини амалга ошириш:

— рўйхатдаги шахс билан доимий равишда учрашувлар ўтказиш ва тарбиявий ишлар олиб бориш. Учрашувлар турли жойларда, яъни яшаш жойида, ўқиш ёки иш жойларида, дам олиш, бўш вақтни ўтказиш жойларида, милиция хоналарида ва ҳоказо жойларда ўтказилиши мумкин;

— руйхатдаги шахсни қариндош-уруғлари, кўшнилари, маҳалла йигинининг аъзолари ва ҳоказо яшаш жойидаги шахслар билан сўров ўтказиш орқали назорат қилиш;

— зарур ҳолларда уларга ишга жойлашишда, турмушида, турмуш шароитини яхшилашда, бўш вақтини ўтказишда ёрдам бериш;

— руйхатдаги шахсга ўз таъсирини ўтказа оладиган шахсларни булар билан индивидуал ишлар олиб боришга жалб қилиш;

— бошқача тарздаги ишонтириш усуллари ва ёрдам бериш. Жиноят ҳисобланмайдиган ҳуқуққа хилоф қилмишларнинг олдини олиш учун қўлланадиган чоралар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Булар, жиноят ҳисобланмайдиган бошқа ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш мумкин бўлган мажбурлов чораларини (маъмурий жавобгарликка тортиш, мажбурий даволаш, вояга етмаганларни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ва ҳоказо олдини олиш чораларини) қўллаш;

— жиноят содир этиш фикри борлиги, жиноятга тайёргарлик кўриляётганлиги маълум бўлган вақтдан бошлаб, жиноят содир бўлиши

мумкинлигини бартараф қилиш шахснинг ўзига таъсир қилиш йули билан, шахс фаолият олиб бораётган микромухитга таъсир қилиш (шахсни шундай микромухитдан ажратиш, криминал гуруҳдарни ажратиб, тарқатиб юбориш, криминал гуруҳлар раҳбарларини гуруҳдан ажратиш ва ҳоказо) орқали жиноятнинг олдини олиш;

— ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан жиноий жазо чораларини қўллаш орқали оғирроқ жиноят содир этилишининг олдини олиш.

— жиноий тажовузнинг жабрланувчиси бўлиб қилиши мумкин бўлган шахсларга (маслаҳатлар бериш, турли сигнализация воситалари ўрнатиш, зарур бўлган ҳолларда эса қоровуллик қилиш йули билан уларни ҳимоя қилиш орқали) ёрдам бериш мумкин.

Шунингдек, жиноят содир бўлиши шароитларини бартараф қилиш орқали ҳам индивидуал жиноий хулқнинг олдини олиш мумкин.

Индивидуал олдини олиш чораларининг самарадорлигини текшириш ва назорат қилиш чоралари мавжуд бўлиб, улар қуйидаглардир:

— руйхатдаги шахснинг яшаш, ўқиш, иш жойига унинг хулқи ҳақидаги маълумотларни олиш учун сўровномалар юбориш; шахснинг хулқи ва турмуш тарзи ҳақидаги маълумотларни олиш учун қариндошлари, қўшнилари, танишлари, маҳалладошларидан, ўқиш ва иш жойидаги маъмуриятдан сўраб туриш, шунингдек, ахборот олиш хусусиятидаги бошқа чоралар.

Юқорида айтилган усуллар шахсни ўрганиш усуллари бўлиб, олдини олиш чоралари қўллангунча бўлган тадбирлар ҳисобланади.

Жиноятларнинг индивидуал олдини олишда ишонтириш, олдини олиш, ёрдам бериш, мажбур қилиш орқали чора тадбирлар олиб борилиши мумкин. Ишонтириш усули - шахсдаги ижтимоий ҳилоф йуналишни ўзгартириш ва ижтимоий ижобий йуналишларни мустаҳкамлаш мақсадида олиб бориладиган

комплекс равишдаги тушунтириш тадбирларидан иборат тарбиявий чоралардир.

Ишонтириш шахсдаги жиноятга олиб келадиган асосий йуналишларни енгиб ўтиш ёки уларни бартараф қилиш мақсадида қўлланади. Ишонтириш усулини амалга оширишнинг шакллари: индивидуал ва жамоа суҳбатлари, шахс хулқини муҳокама қилиш, шахсни индивидуал ёки жамоа бўлиб ҳз тарбиясига олиш, ижтимоий фойдали фаолиятга жалб қилиш ва ҳоказолардан иборат.

Ишонтириш усулларини амалга ошириш жараёни ҳуқуқбузувчининг аклига, ҳис-туйғуларига, иродасига турли шаклдаги рухий ва педагогик таъсир кўрсатишдан иборатдир.

Жиноий хулқни индивидуал суҳбатлар ўтказишнинг учта туридан, яъни таништириш, огохлантириш ва тарбиявий ишлардан иборат ҳаракатлар орқали бартараф этиш мумкин.

Айтишим керакки, индивидуал жиноий хатти-ҳаракатларни башорат қилиш ғояси барқарор жамиятда самарали. С. С. Овчинский, А. П. Ивашченко, А. П. Темперюк томонидан ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар катта материалларни тўплаш, математик моделларни яратиш, олинган натижаларни ахлоқ тузатиш муассасалари ва жиноий полиция органлари фаолиятига жорий этиш асосида уларнинг илмий ишончлилиги ва амалий ёрдам кўрсатганлигини кўрсатди.

Жиноятларга мойил бўлган шахсларни кузатиш тизими яратилди, бундай шахсларга таъсир қилиш дастурлари, шу жумладан операцион профилактика ва тарбиявий чоралар шаклланди.

Ушбу шахс томонидан жиноят содир этиш эҳтимолини аниқлаш мантиғи шахсни ва муайян шахсни (масалан, тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаш, жиноий ёзувга эга бўлган ота-оналарнинг мавжудлиги, ақлий

соҳада оғиш, патологияга мойиллик: алкоголизм, гиёҳвандлик, гиёҳвандлик, гомосексуализм ва бошқалар) ижтимоийлашувига хос бўлган криминоген кўрсаткичларни аниқлашдир.

Шахсий жиноий хатти-ҳаракатларни башорат қилиш жараёнида иккита муаммо ҳал қилинади:

1) жиноят содир этишни кутиш мумкин бўлган шахсларни аниқлаш (аҳолининг криминоген гуруҳлари)

2) муайян шахс томонидан жиноят содир этиш эҳтимолини аниқлаш.

Криминоген гуруҳларни ташкил этиш тартиби жуда оддий-таҳлил қилинаётган даврда бутун аҳоли бўйича ўхшаш маълумотларга эга бўлган (демографик, касбий, психологик ва бошқа хусусиятлар бўйича) гуруҳ вакиллари жиноятчилик кўрсаткичларини таққослаш орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, агар аҳоли орасида эркаклар улуши 48% бўлса ва аниқланган жиноятчилар орасида 85% бўлса, эркак жинси криминоген хусусиятдир. Бундай криминоген хусусиятларни аниқлашда асосий қийинчилик зарур статистик маълумотларни олишдир (барча маълумотлар статистик ҳисоботнинг амалдаги шаклларида акс эттирилмайди)¹.

Криминология соҳасидаги башорат объектлари жиноятчилик, унинг алоҳида турлари ва гуруҳлари маълум бир тарихий вазиятда (фавқулодда ҳолатларда жиноятчилик, уюшган жиноятчилик, ўта оғир ва оғир зўравон жиноятчилик, терроризм ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Жиноят оқибатлари, детерминистик омиллар комплекси кутилган таъсири контекстида дунёда, мамлакатда, минтақада криминологик вазиятни ривожлантириш учун энг муносиб имкониятлари, жиноий фаолият соҳаларида турларини ажратиш билан энг хавфли жиноятчининг кутилган ижтимоий тасвир ва таъсир даражаси жиноий жараёнларга, жиноят қурбонининг

ижтимоий портрети ва хавф гуруҳларини (потенциал қурбонлар) ташкил этиш. улар бўлиш эҳтимоли юқори бўлган жиноятлар).

Корхоналар хавфсизлиги каби прогнозлаш объекти катта қизиқиш уйғотади.

•Мамлакатимизда Ахборот технологиялари ва коммуникатсияларни ривожлантириш вазирлиги ҳузурида “хавфсиз шаҳар “жамоат тартибига кўмаклашиш маркази•ташкил этилди. “Хавфсиз шаҳар” лойиҳаси амалиётга жорий этилди. Мазкур лойиҳа қуйидаги асосий тизимлардан иборат: шаҳар видеокузатуви тизими; йўл ҳаракати қойидаларини бузиш жараёни фото-, видеофиксацияси тизими; автотураргоҳларни бошқариш тизими; объектларнинг комплекс хавфсизлик мониторинги тизими; сейсмик фаоллик мониторинги тизими; фавқулодда вазият ҳақида хабар бериш тизими; ёнғинга қарши сигнализациялар мониторинги тизими; “фуқаро-112” шошилиш алоқа тизими; фавқулодда тезкор хизматлар транспортларини мониторинги тизими; бошқарув маркази; 112 тизими ташкил этилди.

Бироқ, мазкур ислоҳотлар катта иқтисодий ресурсларни талаб қилмоқда. Шу боис ҳам кримпрогноزلанинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда қайноқ кримзоналарни назоратни кучайтириш тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Кримпрогноزلаш дастурлари билан “Хавфсиз шаҳар” дастурий таъминоти бир қарашда бир хилдек тулган бўлсада, бироқ “Хавфсиз шаҳар” дастурий таъминот асосан хабардори қилингандан сўнг ҳаракатланувчи дастурий таъминот ҳисобланади ва кримпрогноزلаш дастурий таъминоти эса ҳудуддаги кримоген вазиятни ўзида акс эттиради ҳамда мазкур ҳудудларда турли чора-тадбирларни амалга оширади. Содир бўлиши мумкин бўлган жиноятлар ҳақида асосланган тахминларни фойдаланувчига тақдим этади. Шу

сабабли мазкур икки дастурий таъминотни бир биридан билан адаштирмаслик лозим

Биринчи боб бўйича хулоса ва тавсиялар

Тадқиқот натижаси жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда уларнинг барвақт олдини олиш учун ушбу соҳада илмий асосланган стратегия ҳамда давлат ва жамоат органларининг ташкилий фаолияти даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини кўрсатди.

Социометрия криминологик тадқиқотда билиш усули сифатида кам қулланилади, қўлланилганда ҳам кўпроқ, оилавий муносабатларнинг криминологик муаммоларини ўрганиш учун қўлланилади. Бироқ, унинг ёрдамида жазони ўташ муассасаларида жазони ўтаётган шахслар гуруҳи таркибини ўзгартириш, низоли вазиятларни бартараф қилиш, руҳий аҳвол муҳитини соғломлаштириш, жиноят ва жиноят ижроия қонун меъёрларига муносабатларни аниқлаш мумкин ва мазкур ўрганишларнинг натижасини жиноятчиликнинг индивидуал кримпрогноз қилиш жараёнида кенг қўллаш имконияти мавжуд.

Жиноятчиликка қарши курашда кримпрогноزلаш ва режалаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, мамлакатимиз ва унинг ҳудудлари учун кримпрогноزلаш фаолият соҳасини олиб борадиган махсус ваколатли орган йўқ. Гарчи, принципиал жиҳатдан, бундай субъектлар Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва марказдаги бошқа бўлимлар ва уларнинг соҳадаги бўлинмалари бўлиши мумкинлиги аниқ.

Бироқ, марказда ва жойларда криминалистик вазиятни ўрганиш, мониторинг қилиш, прогноз ва режалар ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилувчи субъектлар доирасини аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур соҳада хориж давлатларининг тажрибалари ўрганилганиди. Хусусан Россия Федерациясида жиноятчиликни прогнозлаш прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.

Россия Федерацияси прокуратураси ўз фаолиятида ҳар қандай минтақада, ҳар қандай ҳудудда жиноятчилик даражасини тахмин қилмоқда, ушбу прогнозларни ҳисобга олган ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқмоқда. Мамлакатимизда эса 5566-сонли Президент фармонида асосан жиноятчиликни криминологик прогнозлаш Бош прокуратура ҳузуридаги академияда бўлсада, бироқ мазкур соҳада умумий идоралараро ҳамкорлик мавжуд эмас.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар асосан яқка тартибда фаолият олиб бормоқда бу эса жиноятчиликка қарши курашнинг **ягона комплекс чора-тадбирлари харитасининг йўқлигига сабаб бўлмоқда** ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини туширмоқда.

Шунингдек, 2001 йилда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокуратура органларининг фаолият йўналишларида жиноятчиликни кримпрогнозлаш фаолияти кўрсатиб ўтилмаган.

Шу сабабли ҳам мазкур қонунга жиноятчиликни кримпрогнозлаш фаолиятини прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишига киритиш лозим.

II БОБ КРИМИНОЛОГИК ПРОГНОЗ ҚИЛИШДА МАХСУС ФАНЛАРНИНГ ИМКОНИАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

2.1. Криминилогик прогнозлашда социологик, психологик усуллардан фойдаланиш масалалари

Криминилогик прогнозлаш криминилогик тадқиқотлардан бири ва бир вақтнинг ўзида криминологиянинг фанининг муаммоларидан бири ҳисобланади.

Кейинги ўринда криминилогик прогнозлашнинг индивидуал прогнозлаш турида рухий яъни психологик усуллардан фойдаланиш масалаларига тўхталиб ўтамиз.

Психологик усуллардан фойдаланиш биринчи ўринда жиноятчининг шахси ҳақида анча чуқур ва батафсил маълумот беради. Шунингдек, гуруҳ иштирокчилари ва гуруҳлар ўртасидаги алоқалар жараёни ва ҳоказоларга сифат ва миқдор жиҳатдан баҳо бериш имконияти вужудга келади, бу ўз навбатида жиноятчиларни таснифлаш ва типларга ажратиш ҳамда одамларнинг яшаш муҳитини соғломлаштириш учун муҳимдир.

Криминологияда социометрия тест усуллари кўпроқ, ишлатиладиган рухий тадқиқот усули ҳисобланади. Социометрия атамаси бизга чет эл руҳшунослиги ва социологиясидан кириб келган. Социометрия тадқиқоти одамлар ўртасидаги эмоционал-рухий алоқаларни ўлчовлар орқали ўрганишдан иборат.

Америкалик олим Ж. Моренонинг фикрига кўра, социометрик усул — муайян индивиднинг ўзи яшаётган ва ишлаётган гуруҳ аъзолари билан ижтимоий-эмоционал алоқаларини ўлчов ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиб ўрганиш учун қўлланадиган воситалар тизими ва йулларидир.

Социометрик усулнинг афзаллиги шундаки, бу усул орқали тадқиқот анча содда, қулай ва тез олиб борилади. Бу усул гуруҳ аъзоларининг хоҳишистакларини аниқдаш мақсадидаги сўров, масалан, бирга ўқишни хоҳламаслик, бирга ишлаш, дам олиш, жамоат тадбирларини бажаришни хоҳламаслик ва ҳоказоларидан иборат бўлиши мумкин.

Социометрик усулнинг асосларида социометрик сўров ёта-ди. Сўров олинаётган шахсга гуруҳнинг бошқа аъзолари билан муносабатларини аниқлаш мақсадида бир қанча саволлар берилади.

Социометрик сўров йули билан олинган маълумотлар ишланиб, социоматрица (жадваллар)да ва социограмма (чизма)ларда умумлаштирилади. Бу жадвал ва чизмаларни таҳлили қилиш бир томондан шахс ва гуруҳнинг ижтимоий-руҳий хусусиятларини аниқлаш имконини берса, иккинчи томондан шахс ва гуруҳлар бошқаришнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Афсуски, социометрия криминологияда билиш усули сифатида кам қулланилади, қўлланилганда ҳам кўпроқ, оилавий муносабатларнинг криминологик муаммоларини ўрганиш учун қўлланилади. Шу билан бирга социометрик усулдан криминологиянинг айрим муаммоларини, жумладан, жиноий жазонинг (озоддикдан маҳрум қилиш, аҳлок тузатиш ишлари ва бошқалар) самарадорлигини, иштирокчилик институтини ва ҳоказоларни тадқиқ қилишда самарали фойдаланиш мумкин.

Унинг ёрдамида жазони ўташ муассасаларида жазони ўтаётган шахслар гуруҳи таркибини ўзгартириш, низоли вазиятларни бартараф қилиш, руҳий аҳвол муҳитини соғломлаштириш, жиноят ва жиноятжроия қонун меъёрларига муносабатларни аниқлаш мумкин ва мазкур ўрганишларнинг натижасини жиноятчиликнинг индивидуал кримпрогноз қилиш жараёнида кенг қўллаш имконияти мавжуд.

Сўров усулларидан яна бири тест усулидир. Тест — тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган, тадқиқ қилинувчига берилган ва унинг жавоб бериши керак бўлган масала, савол, вазиятлардир¹. Тестлаш усулининг мақсади жиноятчининг руҳий тавсифини аниқлаш, унинг индивид сифатида таффақкур имкониятларини, ижодий қобилиятини, таваккал қилишга мойиллигини, ўзини назорат қила олишини, қаҳри қаттиқлиги, фавқулодда ҳодисалар ва вазиятларни идрок қилиш тезлиги ва ҳоказоларни аниқлашдан иборат.

Тест усулидаги текширув **илмий асосга** қурилган бўлиб, жиноятчи шахсни чуқурроқ батафсил ўрганиш, котил, талончи, контрабанда қилувчи каби алоҳида туркумдаги жиноятчиларнинг шахсини чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиш имкониятини беради.

Кримпрогнозлаш қилиш жараёнида социологик қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Ҳужжатларни ўрганиш; 2. Анкеталаш ва интервью олиш шаклидаги сўров; 3. Кузатув; 4. Эксперимент.

Ҳужжатларни ўрганиш орқали криминологик тадқиқотда турли-туман ҳужжатларни ўрганишга туғри келади. Бунда статистика ҳисоботлар, жиноят ишларининг материалларини, жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги аризалар ва уларнинг жавобларини, суд-тиббиёт экспертизасининг хулосаларини, оммавий ахборот воситаларини ўрганишга туғри келади. Шу сабабли ҳам кримпрогнозлашни амалга оширувчи субъект бевосита ҳолатдан тўлиқ бохабар бўлиши лозим. Бундай шахслар асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ижрочиси ходимларидир. Шундан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, кримпрогнозлаш жараёнида иш ҳолатини бевосита кўрган ХМҚО ходимлари қатнашишлари лозим. Мазкур ҳолатни таъминлаш

усун ҳар бир ҳолат бўйича ҳар бир ходим кримпрогнозни амалга ошириши лозим.

Худудларнинг **кримпаспортларини** яратиш тавсия этилади.

Шунингдек, кримпрогнозлашда ижтимоий-иқтисодий вазиятларнинг умумлаштирилган натижалари, жиноятчиликни ўрганиш юзасидан олдин олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ва у билан боғлиқ, бўлган ҳодисалар ва бошқа ҳужжатлар ўрганилади.

Жиноят иши ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш дастури ишлаб чиқилади. Ўрганишнинг тегишли натижалари қайта ишланади ва шу асосда муайян қонуниятнинг мавжудлиги ҳақида хулоса қилинади.

Сўровлар сиртдан (анкеталаш орқали) ёхуд бевосита (интервью олиш орқали) олиб борилади. Сиртдан сўровларда саволлар руйхати ёзилган анкеталар ишлаб чиқилади.

Саволлар ёпик, ҳарактерга эга бўлиб, саволдан кейин жавоб тариқасида фақат "ха", "йўқ", "билмайман" деган вариантлар ёзиб қуйилиши мумкин.

Очик, саволларда эса бу саволга ҳар қандай шаклда жавоб берилиши мумкин. Аммо бундай саволларни умумийлаштириш ва ишлаш қийин бўлади. Бундай усул эҳтимол тутилган жавобларни олдиндан билишнинг иложи бўлмаган, тадқиқотнинг дастлабки босқичида қўлланилиши мумкин.

Бунда дастлаб эҳтимол тутилган жавоблар вариантини топиш ва анкетанинг ишлашга аниқлаш учун саволлар ишлаб чиқилади ва шу орқали саволларнинг тушунарли эканлиги, интервью берувчилар унга жавоб беришдан бош тортадими деган масалалар аниқлаб олинади.

Масалан, айрим маҳкумлардан сўров олишда шундай ҳолат мавжудки, улар умумқабул қилган меъёрлар билан келиша олмасликларини намоён этадилар, агар савол аниқ ва очикдан-очик қуйилган бўлса, очикдан-очик, ўзлари ҳоҳлаган тўғри жавобни берадилар. Бундай хислат ҳаммага ҳам хос

эмас. Ёпик типдаги анкеталарда жавобнинг катъий белгиланган вариантлари ёзиб қуйилади. Анкеталарда ҳар доим бир-бирини тўлдирувчи контрол саволлар ҳам ёзиб қуйилади. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда очик ва ёпик типдаги саволлардан биргаликда фойдаланилади.

Криминологик прогонзлашда **аноним сўров** ўтказишда кенг фойдаланилади. Бундай усулда сўров берувчи ўз исми ва яшаш жойини кўрсатмайди.

